

**МАКТАБГАЧА, УМУМИЙ ЎРТА, ПРОФЕССИОНАЛ ВА ОЛИЙ  
ТАЪЛИМ ТИЗИМЛАРИДА ЧИЗМАЧИЛИК ТАЪЛИМИНИНГ  
УЗВИЙЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ  
КОНЦЕПЦИЯСИ**

**Тошкент – 2020**

## М У Н Д А Р И Ж А

1-боб. Умумий қоидалар .....	3
2-боб. Чизмачилик таълимнинг амалдаги жорий ҳолати ва мавжуд муаммолар .....	6
3-боб. Чизмачилик таълим концепциясининг асосий мақсади ва ривожланишининг устувор йўналишлари .....	13
1-§. Чизмачилик таълимнинг ўқув-методик таъминотини ишлаб чиқишда узвийликни таъминлаш .....	14
2-§. Чизмачилик таълим тизимининг моддий-техник таъминотини мустаҳкамлаш .....	17
3-§. Чизмачилик таълим жараёнига рақамли технологиялар ва замонавий усулларни жорий этиш орқали инновацион инфратузилмасини шакллантириш .....	21
4-§. Чизмачилик таълимни ташкил этишда умумий ўрта, профессионал ва олий таълим тизимларининг ўзаро интеграцияси .....	23
5-§. Кадрларни тайёрлаш ва инсон потенциалидан самарали фойдаланиш .....	25
4-боб. Концепцияни амалга оширишдан кўтилаётган натижалар .....	26
Иловалар .....	

## 1-боб. Умумий қоидалар

**1. Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимида чизмачилик фанини ўқитишни ривожлантириш концепцияси** Ўзбекистон Республикасининг 2035 йилгача ривожланиш Стратегиясининг концепцияси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5712-сонли ҳамда 2019 йил 6 сентябрдаги “Профессионал таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5812-сонли ва ва 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Олий таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармонлари, 2025 йилгача Ўзбекистон саноатининг ривожланиши концепцияси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 январда Олий Мажлисга Мурожаатномасида белгиланган вазифалар ижроси асосида ишлаб чиқилган.

Умумтаълим мактабларида ўқувчиларга таълим беришнинг замонавий инноватсион услулари жорий этиш Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёткейинги 10 йил ичида дунёнинг тараққий этган индустриал-технологик локомативлари қаторига кириши, яъни 2030 йилга келиб иқтисодиётнинг саноат ва технологик тармоқлари бўйича жаҳонда етакчи давлатлардан бирига айланишига замин яратишда муҳим шартлардан биридир.

Иқтисодиётнинг барча соҳаларини рақамли технологиялар асосида янгилашни назарда тутадиган “Рақамли Ўзбекистон -2030” дастурини ишлаб чиқиш ва жорий этиш вазифалари белгиланди.

Бу эса саноатнинг етакчи тармоқларини модернизациялаш ва рақобатдошликни кучайтириш, соҳага илғор технологияларни жорий этиш, юқори технологияли заводлар, технопарклар, ишлаб чиқариш корхоналари ташкил этиш, замонавий муҳандислик-коммуникатция инфратузилмаларини барпо этишга янада кенг имкониятлар яратади.

Бугунги кунда умумтаълим мактабларида таълим олаётган ўқувчиларда саноати ривожланган мамлакатда таълим олиши, яшаши ва ишлаши учун зарур кўникмаларни шакллантириш долзарб масалага айланди.

Концепция умумий ўрта таълим муассасаларида чизмачилик фанини ўқитишнинг назарий тизимларини, асосий тамойилларини, долзарб масалаларини, унинг ечимларини, мақсад ва вазифаларини ҳамда таълим муассасаларида мазкур фанни ўқитишнинг асосий йўналишларини белгилаб беради, жумладан:

- умумий ўрта таълим мактабларида ўқитилаётган чизмачилик фанини ўқитишда унинг таълим тизимида узвийлик ва узлуксизликни таъминлаш;
- умумий ўрта таълим мактабларида ўқувчиларни миллий ва умуминсоний кадриятлар асосида тарбиялаш;
- ўқувчиларда меҳнатсеварлик, тежамкорлик, ташаббускорлик ва тадбиркорлик сифатларини таркиб топтириш;
- ўқувчиларда мустақил, ижодий ва инноватцион фикрлашни шакллантириш, ўз-ўзини ривожлантириш қобилиятларини таркиб топтириш.

## ***2. Концепция халқ таълими тизимида чизмачилик фанини ўқитишни ривожлантиришнинг асосий тенденцияларини белгилаб беради.***

### ***Жумладан:***

- таълим соҳаси ривожланган хорижий давлатлар Россия, Германия, Англия, Франция, АҚШ, Жанубий Корея ва бошқа мамлакатларнинг таълим соҳасидаги ютуқ ва тажрибасидан фойдаланиб, миллий хусусиятларни ва мамлакатда амалга оширилаётган ислохотларни ҳисобга олган ҳолда такомиллаштириш;
- чизмачилик фанидан Давлат таълим стандарти талабларини таълим сифати ва кадрлар тайёрлашга қўйиладиган халқаро талабларга мувофиқлигини таъминлаш;
- чизмачилик фани бўйича умумий ўрта таълим муассасалари битирувчиларига қўйиладиган малака талабларини амалиётга татбиқ этиш;
- чизмачилик фанини умумтаълим ва умумкасбий фанлари билан ўзаро интегратцияси ва ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ишларини амалга ошириш;
- чизмачилик фани мазмунини сифат жиҳатидан янгилаш, шунингдек ўқитиш методикасини такомиллаштириш, таълим-тарбия жараёнини индивидуаллаштириш тамойилларини босқичма-босқич татбиқ этиш;
- чизмачилик фанини мазмуни, мустақил ҳаётда қўллаш имконияти бўлган график билимларни, танқидий фикрлаш ва ижодкорлик компетенцияларини шакллантириш;
- чизмачилик фанини ўқитишда вариатив ўқув модулларини ишлаб чиқиш;
- умумий ўрта таълим жараёнига чизмачилик фанини ўқитишда миллий, умуминсоний ва маънавий кадриятлар асосида ўқувчиларни тарбиялашнинг самарали шакл, усул ва воситаларини кенг жорий этиш;
- чизмачилик фанини ўқитишда гуманитар ва политехник, ижодий ва умуммаданий йўналишларни амалга ошириш;

- график фаолият билан иш кўрадиган турли хил соҳа вакиллари: турли йўналишдаги конструкторлар, архитекторлар, меъморлар, хунармандлар, муҳандислар ва дизайнерларнинг чизмалар билан боғлиқ фаолиятини ўрганишга йўналтириш;

- чизмачилик фанини ўқитишда ўқувчиларни ўзларининг ва ўзгаларнинг саломатликларини сақлашга, техника хавфсизлиги қоидалари ва санитария-гигиена талабларига риоя қилиш кўникмаларни шакллантириш;

- ўқувчи-ёшларни тарбиялаш ва уларнинг бандлигини таъминлашда чизмачилик фани бўйича синфдан ва мактабдан ташқари таълимнинг замонавий усуллари ва йўналишларини жорий этиш;

- чизмачилик фани бўйича назарий билимларни амалиётда қўллаш олиш, кундалик ҳаётий жараёнларда дуч келган муаммоларни ҳал қилишда фойдалана олишга йўналтириш;

- чизмачилик таълими жараёнига рақамли технологиялар ва замонавий усулларни жорий этиш;

- ўқув-тарбия жараёни самарадорлигини ва натижавийлигини таъминлашда инновацион педагогик ва замонавий ахборот-коммуникация технологияларини татбиқ этиш;

- чизмачилик фани методик ва моддий-техника базасини мустаҳкамлаш;

- чизмачилик таълим меъёрий ҳужжатларини таълим сифати ва кадрлар тайёрлашга қўйиладиган халқаро талабларга мувофиқлигини таъминлаш;

- чизмачилик таълим бўйича мактабгача, умумий ўрта, профессионал ва олий таълим тизимлари битирувчиларига қўйиладиган малака талабларининг узвийлигини таъминлаш ҳамда амалиётга татбиқ этиш;

- чизмачилик таълим мазмуни ва моҳиятини сифат жиҳатидан янгилаш, шунингдек, ўқитишнинг янги аспектдаги методикасини ишлаб чиқиш, таълим-тарбия жараёнига индивидуаллаштириш тамойилларини босқичма-босқич татбиқ этиш;

- умумий ўрта, профессионал ва олий таълим тизимларида чизмачилик таълимининг ўзаро интеграциясини таъминлаш ва битирувчиларни касб-хунарга ўргатиш орқали ҳаётга тайёрлаш ишларини ташкил этиш;

- чизмачилик таълим мазмуни, мустақил ҳаётда қўллаш имконияти бўлган график саводхонликни, танқидий фикрлаш компетенцияларини шакллантириш;

- чизмачилик таълимини ташкил этишнинг замонавий шакл, метод ва воситалари асосида тизимли ўқув модулларини ишлаб чиқиш;

- таълим жараёнига миллий, умуминсоний ва маънавий қадриятлар асосида битирувчиларни тарбиялашнинг самарали методикасини кенг жорий этиш;

- чизмачилик таълимининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва бюджетдан маблағ билан таъминлашнинг самарадорлигини ошириш;
- ишлаб чиқариш соҳасида бозор муносабатларига мос ўқувчи шахси, унинг интилишлари, қобилияти ва қизиқишларини аниқлаш;
- меъёрий ҳужжатларда назарда тутилган компетенцияларга асосланган баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш.

## **2-боб. Чизмачилик таълимининг амалдаги жорий ҳолати ва мавжуд муаммолар**

### ***3. Ҳозирги вақтда чизмачилик таълимининг амалдаги жорий ҳолати ва тўпланган тажрибалар таҳлилидан қуйидагилар маълум.***

Ўзбекистонда санъат, маънавий, эстетик ва бадий анъаналарни авлоддан-авлодларга етказиш, санъат асарларини идрок этишга ўргатиш орқали бадий ва график маданиятни ривожлантириш, жисмоний, маънавий-интеллектуал саломатлигини асраш, жисмоний саломатлигини мустаҳкамлаш, ўқувчиларда соғлом дунёқарашни шакллантириш асосий вазифалардан ҳисобланади. Чизмачилик фани фани ўқувчиларда хотира, диққат, тасаввур, ҳаракатлар координацияси каби психологик фаолиятларни шакллантириш ва уни ривожлантиришга йўналтирилади.

Бугунги кунда мактабгача, умумий ўрта, профессионал ва олий таълим тизимларида таълим олаётган ўқувчиларда юқори даражада таълим олиши, фан соҳасида етарли билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш долзарб масалага айланиб бормоқда.

Ахборот-коммуникация технологиялари охириги 30 йил ичида жамиятни ўзгартирди. Шу билан бирга катта меҳнат миграцияси, ривожланмаган ижтимоий инфратузилма қашшоқлик ва ишсизликнинг юқори даражаси, инфратузилманинг эскирганлиги, иқтисодий ривожланиш стратегик мақсадларига номувофиқлиги, интеллектуал мулкни ҳимоя қилиш муаммолари, олий маълумот олиш имкониятларининг чекланганлиги, юқори технология ва илм-фанга асосланган ишлаб чиқаришнинг ривожланмаганлиги, инсон капитали ва имиджига зарур миқдордаги инвестицияларнинг сарфланмаслиги, малакали ходимларнинг етишмаслиги, ўрта бўғин раҳбар ва ходимларнинг паст даражадаги малакаси, эскирган иш усулларида фойдаланиш каби муаммолар ўз ечимини кутмоқда.

Саноатнинг бевосита ривожланишида чизмачилик фанида эгалланиладиган график билимлар (эскиз бажариш, иш чизмаларни чизиш, йиғиш чизмаларини тузиш ва ҳар хил турдаги чизмаларни ўқиш) ўз ўрнига эга эканлиги намоён бўлмоқда, бу эса иқтисодиётнинг барча соҳаларини

ривожлантиришда чизмачилик фанининг салмоғи, улиши унинг инновациялари ролини кучайтиради ва амалий аҳамиятини кўрсатиб беради.

Инновацион технологияларининг ривожланишидаги кечикиш миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини пасайтириши, шунингдек, ўсиб бораётган ишлаб чиқариш тараққиётида унинг заифлигини ошириши мумкин.

Ишлаб чиқариш соҳасида кутилаётган янги ўзгаришлар шароитида умумий ўрта, профессионал таълим тизимларида чизмачилик билимлари ўқувчи-ёшларда ижодкорлик қобилияти ва меҳнат кўникмаларини ривожлантириш, уларда олий таълим босқичида ёки мустақил ҳаётга қадам қўйишда зарур бўладиган базавий компетенциялар ва илмий дунёқарашларни шакллантиришда асосий ечим бўлиб хизмат қилади.

Чизмачилик билимларини ўзлаштирган битирувчилар ишлаб чиқариш соҳасида ва таълим соҳасининг барча тармоқларида таълим олишда мукамал маълумот узатиш ва маълумот олишнинг қулай ва тушунарли воситаси сифатида “график тил” вазифасини бажаради.

Таълим тизими жараёнлари юқори даражада ривожланган Буюк Британия, Франция, Германия, АҚШ, Исроил, Япония, Жанубий Корея, Хитой Халқ Республикаси ва бошқа ривожланган давлатлар таълим тизимида ҳам график таълим ишлаб чиқаришнинг асосий бўғини ҳисобланиб, жаҳон меҳнат бозорига малакали мутахассислар тайёрлашнинг муҳим босқичлари ва ташкил этувчиларидан бири деб қаралади.

Ўқувчиларга график таълим беришнинг замонавий инновацион услубларини жорий этиш Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти кейинги 10 йил ичида дунёнинг тараққий этган давлатлар қаторига кириши, яъни 2030 йилга келиб иқтисодиётнинг sanoat ва селекциянинг тармоқлари бўйича жаҳонда етакчи давлатлардан бирига айланишига замин яратишда муҳим шартлардан биридир. Бугунги кунда ахборот-коммуникация технологиялари жамият ривожланишига шиддатли таъсир кўрсатмоқда.

Бунда мамлакатимизда илм-фанни янада раванқ топтириш, ёшларимизни чуқур билим, юксак маънавият ва маданият эгаси этиб тарбиялаш, рақобатбардош иқтисодиётни шакллантириш, янги ва замонавий босқичга кўтариш зарур вазифа этиб белгиланди.

Бугунги кунда Халқ таълими вазирлиги тизимида 11 йиллик таълимнинг жорий қилиниши ва ўрта махсус касб-ҳунар таълими тизимининг функциялари ўзгариши ҳисобига чизмачилик фанини ўқитиш мазмуни ва методикасининг ривожланишида айрим бўшлиқ ва камчиликлар юзага келган.

**4. Ушбу фанларни ўқитишда узвийлик ва узлуксизликни таъминлаш орқали ўқувчиларда график маданиятга асосланган график билимлар ва шахсий фазилатлар шакллантирилади, мазкур фанларнинг мазмуни ва ўқитишда қуйидаги муаммолар мавжуд:**

-ижодий эркинликни таъминлаш мақсадида амалиётчи ўқитувчилар томонидан ДТС асосида алтернатив дарсликларнинг яратилиши ва улардан тажриба синов тарзида фойдаланишни йўлга қўйиш;

-дарсликларда ўқув материалларини ўзлаштиришда ўқувчиларда билишга қизиқиш, иштиёқ ва хошишни ҳосил қиладиган ўйин ва машқлар, арт-технологияларни акс эттириш;

-ўқувчиларни ўзаро ҳамкорликда ишлаш, мазкур фан бўйича машғулотларни шахсга йўналтирилган таълим тамойилларига асосланиб ўқитишни такомиллаштириш;

-мазкур фанларни ўқитишда илғор хорижий, жумладан, Жанубий Корея, Япония каби Осиёнинг ривожланган давлатлари тажрибасини ҳисобга олиш;

-ўқув дастурлари ва дарсликлар мазмунида тизимлилик, узвийлик ва узлуксизлик тамойилларига риоя қилинмаган. Мавзуларда кетма-кетлик ва изчиллик ҳисобга олинмаган;

-мавзуларни ўзлаштириш шахс ривожининг когнитив (билиш) соҳасига йўналтирилган бўлиб, креативлик, ижтимоий-эмоционал ва шахсий фазилатларни ривожлантиришга хизмат қилмайди. Мавзуларни ўзлаштириш учун асосан билимларни текширишга доир тест саволларидан фойдаланиш билан чекланилган;

-мазкур фанларда ўқитиладиган мавзулар синфлар бўйича таҳлил қилинганда кўплаб мавзулар фанлар ва мавзулараро интеграллаштирилмаган;

-дарсликларда ўқувчиларни фаоллаштиришга доир савол ва ўқув топшириқлари берилган, бироқ рефлексив, ўзини ўзи ривожлантириш ва баҳолаш таълим технологиялари,

-мавзулар изчилликда тизимлаштирилмаган ва айрим ҳолларда нотўғри ва ғализ ўриндаги илмий атамалар кўп қўлланилган.

**Ҳозирги вақтда умумий ўрта таълим мактабларида чизмачилик фанини ўқитишнинг амалдаги ҳолати таҳлил қилинганда қуйидагилар маълум бўлди. Жумладан:**

Ҳозирги кунда умумий ўрта таълим мактабларидаги чизмачилик фанини ўқитишда кўп ҳолларда ўқувчиларнинг ижодий имкониятларини ривожлантирмайдиган, уларда ахборот билан ишлаш ва ундаги асосий мазмунни аниқлаш, таҳлил қилиш ва бир тизимга келтириш малакалари шаклланишига кўмаклашмайдиган таълимнинг репродуктив методларидан кенг фойдаланилмоқда. Ўқувчиларнинг касб танлаши ва бирор соҳадан



малакали мутахассис бўлиб шаклланишида эса фақат ўз соҳасининг билимдони ва шу йўналишдаги ахборотларни эгаллаганлик билан бир қаторда, улардан ҳар хил касбий вазиятлар юзага келганда ўринли фойдалана билиш ҳам талаб қилинади.

Умумтаълим мактабларидаги технология дарслари билан бир қаторда чизмачилик фани ҳам ўқувчиларни касбга йўналтириш, конструкциялаш ва ижодкорлик қобилиятларини ҳамда уларнинг политехник билимларини шакллантириш ва ривожлантиришда жуда катта имкониятларга эга. Чизмачилик дарсларида ушбу имкониятлардан унумли фойдаланиш учун, биринчи навбатда, фаннинг мазмунини ўқувчиларнинг ёш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда улар учун қизиқарли тарзда тузилишига алоҳида эътибор қаратиш керак. Буларни амалга ошириш учун мавзуларни ёритишда, ўқувчилар бажарадиган график машқлар ва топшириқларни тузишда ҳозиргача шаклланиб, догматик кўринишга келиб қолган қолиплардан воз кечиб, ноанъанавий усуллардан фойдаланиш, ўқувчиларнинг қизиқишлари ва ижодкорликларини оширадиган услубларни излашга тўғри келади. Чизмачилик фанининг хусусиятига кўра бундай услублардан, график машқ ва топшириқлардан фойдаланиш учун катта имкониятлар майдони мавжуд. Лекин шуларга қарамасдан ҳозиргача нашрдан чиқариб турилган дарсликлардаги маълумотлар асосан конструкторлик ҳужжатларининг ягона тизими (ЕСКД) даги маълумотларнинг қисқача мазмунини ёритиш ҳамда чизма бажаришнинг содда усулларини баён қилиш билан чекланиб қолмоқда.

Маълумки, чизмачилик фан сифатида шаклланиш ва ривожланиш борасида узоқ тарихга эга. Шу боис айрим тарихий материаллардан замонавий талқинда фойдаланиш, биринчидан, чизмачилик ўқув фанининг мазмунини бойитади. Иккинчидан, унинг миллий-тарихий негизини мустаҳкамлайди. Бироқ, амалдаги, шунингдек бундан олдинги даврларда яратилган дарсликларда ҳам чизмачиликнинг ривожланиш тарихи, жумладан Ўзбекистон ҳудудида чизма бажаришлар (айниқса, амалий санъат намуналари мисолида) соҳасидаги ютуқлар дарсликларда ўзининг тўлиқ ифодасини топмаган. Аслида эса миллий меъморий ёдгорликларнинг композицион ечимлари, дунё санъатшунослари томонидан эътироф этилган гириҳлар ва ислимий нақшларнинг қуриш услублари, замонавий талабларни бажаришга йўналтирилган ижодий характердаги топшириқларни ўқув жараёнига киритилиши чизмачилик дарсларида ўқувчиларнинг график саводхонлигини оширишга хизмат қилади. Дарсликларнинг мазмунини таҳлили шуни кўрсатадики, улардаги аксарият мавзулар маълум чизмачилик қоидалари ва далилларни санаб ўтиш билан чекланилган. Ўқувчиларнинг қизиқишларини орттирадиган, фаннинг техника, қурилиш, архитектура каби

соҳалардаги амалий қўлланилиши, чизмачилик фанининг шаклланиши ва ривожланиши билан боғлиқ қизиқарли тарихий мисолларга дарсликда эътибор қаратилмаган.

Умумий ўрта таълим мактабларидаги чизмачилик фанини ўқитилиши ва уларнинг мазмунларини ўрганиб, таҳлил қилишимиз жараёнида биз мактаб ўқувчиларининг фанни ўзлаштиришларига салбий таъсир қиладиган қатор омилларни аниқладик. Уларга қуйидагилар киради:

- мумтаълим мактабларида таҳсил олаётган аксарият ўқувчиларнинг мактаб чизмачилик курсига қизиқишларининг пастлиги;

- турли сабаларга кўра мактаблардаги чизмачилик дарсларини баъзи ҳолларда мутахассис бўлмаган ўқитувчиларнинг ўқитиши;

- мактаб маъмурияти ва ўқитувчиларнинг чизмачилик фанига жиддий муносабатда бўлмасликлари натижада ўқувчиларнинг мазкур фан асосларини ўзлаштириш даражаларининг пастлиги;

- чизмачилик фани (“Чизма геометрия элементлари” ва “Муҳандислик графикаси”) ни ўрганиш ўқувчилардан махсус қобилият ва малакалар (фазовий тасаввур, масала ечимига ижодий ёндашиш, мустақил ишлаш кўникмалари, таҳлил қила билиш ва ҳ.к.) ни эгаллаганликни талаб қилади. Агар фан ўқитувчиси уларни шакллантириш методларини эгалламаган бўлса (номутахассис ўқитувчи) чизма бажаришнинг оддий усулларига ўқувчиларни ўргатишнинг ўзи катта муаммога айланади.

Чизмачилик фанидан амалдаги фан дастури, дарслик ҳамда кам сонли методик таъминот воситалари асосан чизма стандартларининг баёни ва уларга тегишли мисолларни ёритиш шаклига келиб қолган. Дарсликдаги мавзулар қисқа ёритилган бўлиб, уларнинг амалий қўлланилишига оид маълумотлар ниҳоятда кам берилган. Бу аҳвол ўқувчиларнинг фанни ўрганишга бўлган қизиқишларининг пасайишига асосий сабаблардан бири сифатида қаралиши мумкин. Юқорида айтилганларни эътиборга олиб эндиликда чизмачилик фанидан дастур ва дарсликлардаги мавжуд ҳолатни мазмун жиҳатидан қайта кўриб чиқиш зарур бўлади. Биринчидан, чизмачилик фани ўзининг хусусиятига кўра, биринчи навбатда, ўқувчиларнинг политехник билим ва кўникмаларини ривожлантиришга қаратилган бўлиб, дарс машғулотларининг асосий қисми амалий машғулотлар шаклида ташкил қилиниши ҳамда ўқувчиларнинг график иш бажаришлари орқали уларда шу фан асосларини ўзлаштириб боришлари кўзда тутилади. Назарий маълумотларнинг асосий қисми, одатда, амалий машғулотларнинг бошланишида берилиб, улар график ишларни бажариш орқали мустаҳкамлаб борилади. Бу тартиб кўп йиллик педагогик тажрибалар орқали умумэътироф этилган аксиома ҳисобланади.

Умумий ўрта таълим мактабларида чизмачилик ўқитиш сифатини ошириш учун, биринчи навбатда, намунавий фан дастури мазмунини чизмачиликнинг амалий йўналишлари билан бойитиб, дарсликдаги материалларни шунга мослаштириш зарур. Бу ишларга ҳамоҳанг тарзда соҳага оид замонавий методик таъминот комплексини яратиш график таълим самарадорлигининг юқори бўлишини таъминлайди.

Методик таъминот чизмачилик ўқитувчилари учун зарур бўлган асосий маълумотларни ўз ичига олиб қуйидаги таркибий қисмларга эга бўлиши мақсадга мувофиқ:

- чизмачилик фани бўйича унинг амалий аҳамияти, шаклланиш тарихи, чизмачиликда миллийлик компонентлари, Ўзбекистон ҳудудидаги ўзига хос график тасвирлар каби маълумотлар ўқувчиларга тушунарли, содда баён қилинган янги назарий маълумотлар базаси;

- ўқувчиларнинг қизиқишлари ва ёш хусусиятлари ҳисобга олиниб, амалий аҳамиятга эга янги турдаги машқлар ва график топширик вариантлари;

- чизмачилигидан ўқувчиларнинг билимини назорат қилиш, шунингдек ўқувчиларнинг ўзлари билимларини назорат қилишга хизмат қиладиган дастурий ишланмалар.

Чизмачилик дарсларини ташкил қилишда компьютер технологияларининг имкониятларидан кенг фойдаланиш зарур.

Чизмачилик фани ҳақли равишда политехник билимларнинг асоси ҳисоблаб келинади. Ҳар қандай замонавий конструктор, архитектор, турли соҳаларда фаолият кўрсатадиган муҳандисларнинг фаолияти бевосита чизмалар билан иш кўришига тўғри келади ва уларга боғлиқ бўлади. Фаолияти бу касблардан узоқ бўлган инсонлардан ҳам минимал даражадаги график маданиятни эгаллаганлик талаб қилинади. Шу боис ўқувчилар ҳам, турли касб эгалари ҳам маълум даражада график саводхонликка эга бўлишлари керак.

Умумий ўрта таълим мактабларидаги чизмачилик фанидан таклиф қилинаётган янги ўқув-методик комплекснинг ўзига хос жиҳатлари:

- мавзуларни ёритишда ўқувчиларнинг ёш хусусиятларини эътиборга олиб мустақил ўзлаштиришларига имконият яратиш, ўрганиладиган материалларнинг амалий қўлланилиш соҳаларини тушунтириб бориш;

- ўқувчиларнинг политехник билимларини ривожлантиришга йўналтирилганлик;

- ўқувчиларда конструкциялаш ва ижодкорлик кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантиришга йўналтирилганлик;

- ўқувчилар учун графика тарихи, ривожланиши ва замонавий аҳволига оид материаллар билан бойитилган “ИШ ДАФТАРЛАРИ”нинг таклиф қилиниши. Бу иш дафтарларининг таълим жараёнига киритилиши график тасвирларни бажаришга сарфланадиган вақтнинг кескин камайишига хизмат қилади ва таълим самарадорлигига кўмаклашади.

- ўқувчиларнинг фазовий тасаввурларини ривожлантиришга кўмаклашувчи “Чизмачилик” электрон дарслигини яратиш мақсадга мувофиқ бўлади.

***Хулоса қилиб айтганда:***

- умумтаълим мактабларида ўқитиладиган амалдаги чизмачилик фани мазмуни, мустақил ҳаётда қўллаш имконияти бўлган техник ва график саводхонликни, танқидий фикрлаш, ижодкорлик компетенцияларини шакллантириш учун етарли эмас;

- чизмачилик фанини ўқитишда метапредмет компетенциялар ва фанлараро интегратив ёндошувларнинг камлиги;

- чизмачилик фани меъёрий ҳужжатларида баҳолаш мезонларининг фақат битирувчи компетенцияси учун ишланганлиги;

- чизмачилик фани мазмунига муҳандислик, қурувчи-инженер ва бошқа шу каби Ўзбекистон иқтисодиёти ривожини учун зарур бўладиган элементларнинг киритилмаганлиги бўлажак мактаб битирувчиси ва мутахассисларнинг касбий сифатларига салбий таъсир кўрсатаётганлиги;

- ўқув жараёнини ташкил этиш ва уни ўтиш соҳасидаги камчиликлар.

Бу педагогларнинг методик таъминотини яхшилаш, чизмачилик фани ўқитувчилари ва менторлари учун масофадан ўқитиш курсларини жорий этилмаганлиги чизмачилик фанини ўқитишни тубдан қайта кўриб чиқиш ва замон талабига мос равишда янгиланишни тақозо этмоқда.

***Амалдаги жорий ҳолати ва мавжуд муаммолар:***

- чизмачилик фанини ўқув методик таъминоти (ўқитувчи китоби, мултимедиа иловалар, дидактик материаллар ва б.) етарли даражада ишлаб чиқилмаганлиги;

- ўқувчиларнинг ёш, психологик хусусиятларини инобатга олган ҳолда, фан бўлимлари ва мавзуларининг ўқитиш кетма-кетлиги ҳамда мураккаблик даражасини қайтадан кўриб чиқишга эҳтиёжнинг борлиги;

- чизмачилик ўқув дастурларини илғор хорижий тажриба асосида такомиллаштириш, ўқув юкламалари ва фанларни қайта кўриб чиқиш, уларни халқаро стандартларга мослаштириш, дарслик ва адабиётлар сифатини ошириш;

- чизмачилик фани йўналишида фундаментал ва амалий тадқиқотларга асосланган замонавий билимларни ўзлаштириш;

- чизмачилик ўқитишнинг барча босқичларида халқаро андозаларга тўлиқ жавоб берадиган ахборот технологиялар ижорий этиш;

- ўқувчилар дарсликлардаги ўқув материалларни ўзлаштиришда билишга қизиқиш, иштиёқни ҳосил қиладиган ўйин ва машқлар, арт-технологиялар ўз аксини топмаганлиги;

- чизмачилик фанини ўқитишда ўқувчиларни ўзаро ҳамкорликда ишлаш, машғулотларни шахсга йўналтирилган таълим тамойилларига асосланиб ўқитиш йўлга қўйилмаганлиги;

- чизмачилик фанини ўқитишда назарий амалий машғулотларни ўтказиш ҳамда ижодкорлик ишларини ташкил қилишда чизмачилик хонасининг моддий-техник таъминотига кам эътибор қаратилаётганлиги;

- чизмачилик фанини ўқитишда мавзулар кесимида замонавий педагогик технологияларни қўллаш методикасининг ишлаб чиқилмаганлиги;

- STEAM замон талаблари асосида халқаро миқёсида ўқувчиларга таълим-тарбия беришда умумтаълим ва умукасбий фанлари бўйича фанлараро боғланиш ва амалий ёндашувга эътибор қаратилмаганлиги;

- ўқувчиларнинг танқидий, мантиқий фикрлаши ва амалий кўникмасини шакллантиришга йўналтирилган халқаро баҳолаш дастури (PISA, TIMSS) талабларига мос келадиган машғулотнинг шакл ва усули ишлаб чиқилмаганлиги;

- чизмачилик фани меъёрий ҳужжатларида баҳолаш мезонларининг фақат битирувчи компетенцияси учун ишланганлиги ва мультимедиа иловалари, дидактик материалларнинг етишмаслиги, дарсликлар асосида унинг методикасини қайта ишлаб чиқиш талаб этилади;

- чизмачилик фани мазмунига техник дизайн, лойиҳалаш ва конструкциялаш каби Ўзбекистон иқтисодиёти ривожини учун зарур бўладиган элементларнинг киритилмаганлиги бўлажак мактаб битирувчиси ва мутахассисларнинг касбий сифатларига салбий таъсир кўрсатмоқда;

- ўқувчиларда таълим олишга кучли мотивацияни шакллантириш учун ўқувчиларда замонавий график билим соҳасидаги таянч ва фанга оид компетенцияларни ривожлантиришга йўналтирилган жиҳоз ва ускуналарнинг етишмаслиги;

- чизмачилик фани моддий-техника базасини эскирганлиги, замонавий дидактик материаллар ва жиҳозлари билан жиҳозланмаганлиги;

- педагогларнинг методик таъминотини яхшилаш, чизмачилик фани ўқитувчилари учун масофадан ўқитишнинг янги шакллари жорий этилмаганлиги;

- мавжуд олий таълим муассасаларида чизмачилик фани йўналишида педагог-кадрларнинг сифати бугунги кун талабларига мос келмаслиги,

уларни ўқитишни тубдан қайта кўриб чиқиш ва замон талабига мос компетент кадрларни тайёрлашни тақазо этмоқда.

### **Профессионал таълим тизимида.**

- таълим тизимлари ўртасида узвийликни таъминланмаганлиги меҳнат бозори талабларига мос юқори малакали кадрларни тайёрлаш сифатига таъсир этаётганлиги;

- таълим сифатини баҳолашнинг халқаро стандартларини жорий этилмаганлиги;

- инновацион илм-фан ютуқларини амалиётга татбиқ этишнинг самарали механизмлари ишлаб чиқилмаганлиги;

- таълимнинг халқаро стандарт таснифлагичи (МСКО) даражалари билан уйғунлашмаганлиги;

- ўқув жараёнига Ўзбекистоннинг Миллий квалификация тизими тўлақонли жорий этилмаганлиги, тайёрланаётган кадрларнинг меҳнат бозорида муносиб ўрин эгаллашларига тўсқинлик қилаётганлиги;

- халқаро таснифлагичнинг даражаларига мос келувчи таълим дастурларининг ишлаб чиқилмаганлиги;

- умумтаълим муассасаларининг 9-синф битирувчилари ҳисобидан шакллантирилган гуруҳларда 2 йиллик умумтаълим ва мутахассислик фанларининг интеграциялашган дастурларида узвийликни таъминланмаганлиги;

- “Ҳаёт давомида таълим олиш” принципи асосида касблар ва мутахассисликларни ўргатиш тизими мавжуд эмаслиги;

- Ўзбекистон Республикасида миллий квалификация тизими ва рамкасини, Миллий профессионал стандартларни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этишга эътибор қаратилмаганлиги;

- профессионал таълим тизимида ўқитувчи кадрларни тайёрлаш ва малакасини оширишнинг янги тизими жорий этилмаганлиги.

### **Олий таълим тизимида.**

Олий таълим муассасаларида тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси бакалаврият таълим йўналишида ўқитувчи педагог-кадрларни тайёрлаш сифати бугунги кун талабларига тўла мос келмаслиги, муҳандислик графикаси циклидаги фанларни ўқитиш методикасини тубдан қайта кўриб чиқиш ва замон талабига мос равишда янгилашни тақазо этмоқда. *Шу сабабли олий таълимда ҳам айрим камчиликлар мавжуд.*

#### **Жумладан:**

- тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси таълим йўналиши илмий методик таъминоти етарли даражада ишлаб чиқилмаганлиги;

- муҳандислик графикаси циклидаги фанларни ўқитишда моддий-техника базасининг эскирганлиги, замонавий лаборатория жиҳозлари ва технологиялар билан жиҳозланмаганлиги;

- халқаро тажрибалардан келиб чиқиб, олий таълимнинг илғор стандартларини жорий этиш, жумладан муҳандислик графикаси циклидаги фанларнинг ўқув дастурларида назарий билим олишга йўналтирилган таълимдан амалий кўникмаларни шакллантиришга йўналтирилган таълим тизимига босқичма-босқич ўтишда бепарволикларга йўл қўйилаётганлиги;

- график таълим мазмунини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқларининг барқарор ривожланишига муносиб ҳисса қўшадиган, меҳнат бозорида ўз ўрнини топа оладиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш сифатини такомиллаштирилмаганлиги;

- хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш, пуллик хизматлар кўламини кенгайтириш ва бошқа бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобига муҳандислик графикаси циклидаги фанларни ўқитишни ривожлантириш бўйича технопарк, форсайт, технологиялар трансфери, стартап, акселератор марказлари ташкил этилмаганлиги;

- таълимнинг ишлаб чиқариш корхоналари ва илмий-тадқиқот ташкилотлари билан ўзаро манфаатли ҳамкорлигини йўлга қўйишда меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни эскирганлиги ҳамда ҳамкорлик бўйича ишлаб чиқилган дастурларда босқичма-босқич узвийликни таъминланмаганлиги;

- ўқув дастурларини такомиллаштириш ва замонавий педагогик технологияларни жорий этиш юзасидан асосланган тавсияларнинг ишлаб чиқилмаганлиги;

- таълим беришда қўлланилаётган таълим-тарбия усуллариининг таъсирчанлигини оширишга хизмат қилувчи механизмларнинг тўлиқ ишлаб чиқилмаганлиги;

- муҳандислик графикаси циклидаги фанларни ўқитиш самарадорлигини баҳолаш ва такомиллаштириш бўйича илғор хорижий тажрибаларни ўрганиш талаб даражасида йўлга қўйилмаганлиги.

-

### **3-боб. Чизмачилик таълим концепциясининг асосий мақсади ва ривожланишининг устувор йўналишлари**

**5. Чизмачилик таълимини ривожлантиришининг стратегик мақсадлари қуйидагилар ҳисобланади:**

- чизмачилик таълимини меҳнат бозори талаблари асосида модернизация қилиш, ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан барқарор ривожлантириш;

- битирувчиларда чизмачилик таълими давомида ўзлаштирилган ва эгаллаган график билим, кўникма ва малакаларини мустақил равишда амалий фаолиятида қўллаш, касб танлаш, миллий ва умуминсоний кадриятлар асосида ижтимоий муносабатларга кириша олиш, меҳнат бозорида зарур бўладиган компетенцияларини шакллантириш;

график саводхонлик, танқидий, креатив ва тизимли фикрлаш, мустақил қарор қабул қила олиш, ўз интеллектуал қобилиятларини намоён эта олиш ва маънавий баркамол шахс сифатида шаклланиши учун зарур шарт-шароит яратиш.

***6. Чизмачилик таълимини ривожлантириш кўйидаги вазифаларга асосан амалга оширилади:***

- барча таълим босқичларида чизмачиликни ўқитишнинг изчилликка асосланган тизимини яратиш;

- чизмачиликни ўқитишнинг илмий-методик таъминотини ривожлантириш;

- чизмачиликни ўқитиш тизимининг моддий-техник таъминотини мустаҳкамлаш, замонавий ўқитиш воситалари ва технологиялар билан таъминлаш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

- чизмачиликни ўқитиш жараёнига рақамли технологиялар ва замонавий усулларни жорий этиш орқали инновацион инфратузилмасини шакллантириш;

- чизмачиликни ўқитиш тизими мақомини унинг фундаментал билимларнинг инсон яратувчилик фаолияти билан боғлиқлигини ҳамда атроф-муҳит ва табиатни муҳофаза қилиш ҳамда умумий таълим мазмуни ўртасидаги ўзаро таъсирни таъминлашдаги асосий ролига муносиб равишда ўзлаштиришга эришиш;

- умумий ўрта, профессионал ва олий таълим тизимларида ўқитилаётган чизмачилик фанларининг таълим жараёнини, уларнинг ўзаро узвийлигини таъминлаш;

- фан доирасида ўргатиладиган ва мамлакатимиз иқтисодиёти учун истиқболли деб танланган мутахассисларни тайёрлашнинг таянч босқичи сифатида хизмат қилиши;

- кадрларни тайёрлаш, мавжуд кадрлар таъминотини модернизациялаш ва инсон потенциалидан самарали фойдаланиш;



- малака талабларини, шунингдек янгиланган таълим стандартларини жорий этиш учун эгалланадиган кўникмаларни аниқлашнинг янги усулларини жорий этиш;

- фаннинг мазмуни, ўзига хос хусусиятлари, малака талаблари ва шакллантириладиган компетенциялардан келиб чиққан ҳолда баҳолаш тизимини ишлаб чиқиш;

- таълимнинг барча босқичларида фан бўйича олимпиадаларни ташкил этиш Низомини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий қилиш;

- иқтидорли ўқувчи-ёшларни аниқлаш, баҳолаш ва рағбатлантириш тизимини йўлга қўйиш, кўрсаткичлик ва архитектура-лойиҳалаш ва бошқа шу каби ижодий ишлар бўйича кўрик-танлов ва кўргазмаларини ташкил этиш;

- интеллектуал салоҳиятнинг меҳнат бозоридаги ўрни ҳақидаги маданиятни шакллантириш;

- замонавий стандартларга мос келувчи чизмачилик фанининг турли йўналишларида тадқиқот ишларини янада ривожлантириш ва жорий этиш;

- ўқувчиларда лойиҳалаш ва тадқиқот ишлари маданиятини шакллантириш;

- таълимнинг илғор амалиётини оммалаштириш ва чизмачилик фани таълимида ўқитиш шакллари тақомиллаштириш.

### **1-§. Чизмачилик таълимнинг ўқув-методик таъминотини ишлаб чиқишда узвийликни таъминлаш**

***7. Чизмачилик таълимнинг ўқув-методик таъминотини ривожлантириш бўйича қуйидаги тадбирлар амалга оширилади:***

- илғор хорижий тажрибалар, халқаро стандартлар ва миллий анъаналар уйғунлигида чизмачилик таълими бўйича ДТС ни ишлаб чиқиш;

- чизмачилик таълими бўйича узвийликни эътиборга олган ҳолда таълим босқичлари учун алоҳида тартибда битирувчиларга қўйиладиган малака талабларини ишлаб чиқиш;

- чизмачилик таълими тизими ўқув юкламаларининг минимал ҳажми ҳамда уларнинг тақсимоти юзасидан тақлифлар тайёрлаш;

- чизмачилик таълими тизими бўйича ўқув-методик мажмуаларни (дарслик, ўқув қўлланма, масала ва машқ дафтари, ўқитувчи учун методик қўлланма, дарсликларнинг мультимедиали иловаси ва бошқа) янги авлодини босқичма-босқич ишлаб чиқиш;

- чизмачилик таълими тизими мазмуни, ўзига хос хусусиятлари, малака талаблари ва шакллантириладиган компетенциялардан келиб чиққан ҳолда баҳолаш тизимини ишлаб чиқиш;

- хавфсизлик техникаси қоидалари ва санитария-гигиена талабларини ишлаб чиқиш.

#### **8. Чизмачилик таълими бўйича ўқув-методик мажмуаларни ишлаб чиқиш қўйидаги принциплар асосида амалга оширилади:**

ўқув-методик мажмуалар таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий принциплари асосида яратилганлиги;

ўқувчи-ёшларнинг ақлий ва жисмоний имкониятлари, ёши, психофизиологик хусусиятлари, билим даражаси, қизиқишлари, лаёқатлари ҳисобга олинганлиги;

ўқувчи-ёшларда ватанпарварлик ва миллий ғурур ҳиссини шакллантиришга қаратилганлиги;

ўқувчи-ёшларда мустақил ижодий фикрлаш, ташкилотчилик қобилияти ва амалий тажриба кўникмаларини ривожлантиришга йўналтирилганлиги.

#### **9. Ўқув-методик мажмуаларни ишлаб чиқишга қўйидагича талаблар қўйилади:**

##### **а) дидактик талаблар:**

- ўқув материалларининг тўлиқ ўзлаштирилишини таъминлаш;  
- матнлар ахборот беришга эмас, балки ўқув фанининг мазмун-моҳиятини тушунтириш мақсадларига хизмат қилиши;

- қизиқарли, ҳамма учун қулай ва табақалаштирилган бўлиши;

- илмий дунёқарашни шакллантириш, ватанпарварлик ва миллатлараро тотувлик талабларига жавоб бериши, аниқ далилларга асосланган материаллардан таркиб топиши;

таълимнинг кундалик ҳаёт ва амалиёт ўртасидаги боғлиқлигини таъминлашга, олинган билимларни амалиётда қўллай олиш лаёқатлари шакллантирилишига, бошқа ўқув фанлари билан узвий боғлиқликни таъминлашга йўналтирилган бўлиши;

расмлар кўринишидаги иллюстрациялар: хариталар, чизмалар, схемалар, жадваллар, диаграммалар ва фотосуратлар билан безатилган бўлиши;

янги тушунчалар, атамалар, қоидалар, формулалар, таърифлар ва шу кабилар луғат кўринишида ифодаланган бўлиши лозим.

##### **б) илмий-методик талаблар:**

фан-техниканинг сўнгги ютуқларини ўзида акс эттириши;

ўқув фани мавзулари ўзбек адабий тили қоидаларига тўлиқ риоя қилган ҳолда оддий ва содда, тушунарли ва раво тилда баён қилиниши;

мантиқий кетма-кетликка ва изчилликка амал қилиниши;

миллий ғоя ва мафкурага зид бўлмаган тегишли иллюстрациялар билан бойитилиши;

савол ва топшириқлар аниқ ифодаланган бўлиши;

ўқувчиларни фикрлашга, ёзишга, тасвирлашга, чизма чизишга, ҳисоблашга, амалий ишларни бажаришга, тажрибалар ўтказишга ўргатишда педагогик технологиялардан фойдаланиш назарда тутилган бўлиши;

саналарни келтиришда мавҳумликка йўл қўйилмаслиги;

касбга йўналтиришга оид матнлар ва расмлар, изоҳли луғат, техник ижодкорлик ва мантиқий тафаккурни ўстиришга қаратилган лойиҳалаш ҳамда моделлаштириш юзасидан топшириқларни қамраб олган бўлиши лозим.

#### **в) педагогик-психологик талаблар:**

кенг жамоатчилик томонидан тан олинган илмий асосланган маълумотлар, ўқувчиларнинг билим даражалари, эслаб қолиш қобилиятлари, тафаккури ҳисобга олинган ҳолда чизмачилик фани билан боғлиқ воқеа ва ҳодисаларнинг моҳиятини англашга ҳамда амалий қизиқишларини ривожлантиришга, билим олишга ва амалий фаолият билан шуғулланишга бўлган эҳтиёжларини тўлақонли қондиришга йўналтирилган бўлиши;

ўқув фани мавзуларининг ўқувчиларнинг ёш хусусиятларига мос ҳолда берилиши, маълум фактлар, тушунчалар, қоидалар ва фанлараро боғлиқликни ҳисобга олган ҳолда тушунарли баён қилиниши;

ўқувчиларнинг янгиликларни қабул қилиш қобилиятлари, олдин олган билимларини ўзлаштирганлик даражаси ҳисобга олинган бўлиши лозим.

#### **г) эстетик талаблар:**

имкон даражасида ёрқин, рангли, қизиқарли ва чиройли бўлиши;

матнлар ўқувчи-ёшларга маълум ижобий ҳиссий таъсирларни ўтказиши ва ўқув фанига қизиқиш уйғотиши;

бўлим, боб, параграф ва мавзулар матнларининг турли шакл ва ранглار билан ажратилиши, мутаносиблиги таъминланиши;

расм ва тасвирлар бадий эстетик талабларга жавоб бериши, аниқ ва тиниқ ифодаланиши лозим.

#### **д) гигиеник талаблар:**

матн ва иллюстрациялар санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига мос бўлиши;

харфларнинг катталиги ва қоғознинг сифати (оғирлиги, қалинлиги, оқлиги ва шаффофлиги) меъёрий ҳужжатларда белгиланган талабларга мос бўлиши лозим.

## **2-§. Чизмачилик фани таълим тизимининг моддий-техник таъминотини мустаҳкамлаш**

**10. Чизмачилик таълимининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича қуйидаги тадбирлар амалга оширилади:**

### **Мактабгача таълим тизимида.**

Мактабгача ёшдаги болаларни мактаб таълимига тайёрлаш, жумладан мактабда тасвирий санъат ва чизмачилик фанида зарур бўладиган билим ва кўникмаларни мактабгача таълим ташкилотларида ўтиладиган тасвирий фаолият машғулоти, яъни “Расм чизиш”, “Апликация яшаш” фаолиятларида шакллантирилади. Ушбу билим ва кўникмаларни самарали шакллантириш учун қуйидагиларни мустаҳкамлаш зарур:

- ўқув-методик ҳамда дидактик материаллар, ривожлантирувчи ўйинлар ва ўйинчоқлар, мебель, компьютер техникаси, ўқув ускуналар билан жиҳозлаш;

- мактабгача таълим моддий-техник базасини мустаҳкамлаш.

### **Умумий ўрта таълим тизимида.**

“Замонавий мактаб” давлат дастури доирасида умумий ўрта таълим мактаблари учун халқаро тажрибаларни ҳисобга олган ҳолда янги турдаги замонавий мактаб намунасига мослаштиришни таъминлаш лозим. Бунинг учун:

- ўқув хоналарини мебель, жиҳозлар, асбоб-ускуна ва мосламалар, ўқув-услубий материаллар, компьютер, интерактив доска, планшет ва мультимедиа техникалари, интернет, видеокузатув тизимлари билан жиҳозлашни таъминлаш, уларнинг ўз вақтида янгилаб бориш чораларини кўриш;

- таълим жараёнини ташкил қилиш учун ўқув хоналарининг жиҳозланиш даражасини халқаро стандартларга жавоб берадиган ўқув қуроллари билан таъминлаш;

- ўтказиладиган дарс машғулоти учун керакли хом ашё материалларини давлат бюджети, хомий ташкилотлар ва таълим муассасасининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан таъминлаш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

- давр талаби ҳамда ўқувчиларнинг қизиқишларини ҳисобга олган ҳолда долзарб касбларнинг бирламчи асосларини ўргатиш учун илмий ва касбий тўғараклар, шу жумладан робототехника, дастурлаш бўйича йўналишлари моддий-техник таъминотини мустаҳкамлаш;

- ўқув машғулотларининг моддий-техник таъминоти базасидан оқилона фойдаланиш ва асраб-авайлаш;

- хавфсизлик техникаси қоидалари ва санитария-гигиена талабларига риоя қилган ҳолда фойдаланиш.

Чизмачилик фанини ўқитиш жараёнида ўқув-методик таъминоти таркибига қуйидагилар кирилади:

- чизмачилик фанидан Давлат таълим стандарти;
- чизмачилик фани ўқув дастури;
- ўқув курсларининг дарслик ва ўқув қўлланмалари;
- электрон дарсликлар, электрон ўқув қўлланмалар;
- фан ўқитувчилари учун методик қўлланмалар;
- ўқувчилар учун ўқув- методик қўлланмалар;
- модел ва макетлар тайёрлашда зарурий асбоб-ускуналар;
- ўқувчилар учун дидактик тарқатма материаллар;
- электрон ишланмалар, кўرғазмали плакатлар, видео маҳсулотлар (мултимедия маҳсулотлари, интерфоал доскалар, виртуал лабораториялар, ўқув фильмлар, слайд-презентациялар, намоиш экспериментларни кўрсатувчи анимациялар).

Чизмачилик фанининг ўқув-методик таъминотини ривожлантириш бўйича қуйидаги тадбирлар амалга оширилади:

- илғор хорижий тажрибалар, халқаро стандартлар ва миллий анъаналарнинг иқтисодиёт талабларига мос равишда чизмачилик фани бўйича Давлат таълим стандартини ишлаб чиқиш;

- чизмачилик фани бўйича умумий ўрта таълим муассасалари битирувчиларига қўйиладиган малака талабларини ишлаб чиқиш;

- умумий ўрта таълимнинг таянч ўқув режасида белгиланган чизмачилик фани ўқув юкламасининг минимал ҳажми ҳамда уларнинг синфлар бўйича тақсимоти юзасидан таклифлар тайёрлаш;

- таянч ўқув режага мувофиқ чизмачилик фанининг синфлар ва мавзулар бўйича ҳажми, мазмуни, ўрганиш кетма-кетлиги ва шакллантириладиган компетенциялари асосида ўқув дастурларини ишлаб чиқиш;

- чизмачилик фани бўйича синфлар кесимида ўқув-методик мажмуаларни (дарслик, график вазифалар учун иши дафтари, ўқитувчи учун методик қўлланма, ўқувчилар учун ўқув-методик қўлланма, дарсликларнинг мултимедиали иловаси) янги авлодини босқичма-босқич ишлаб чиқиш;

- ўқувчиларнинг мантикий фикрлаши ва амалий кўникмасини шакллантиришга йўналтирилган халқаро баҳолаш дастури (PISA, TIMSS) талабларига мос келадиган амалий топшириқлар базасини яратиш;
- чизмачилик фанининг мазмуни, ўзига хос хусусиятлари, малака талаблари ва шакллантириладиган компетенциялардан келиб чиққан ҳолда баҳолаш тизимини ишлаб чиқиш;
- чизмачилик фанини ўқитишда алтернатив адабиётлардан фойдаланишни йўлга қўйиш.

### **Профессионал таълим тизимида.**

Профессионал таълим муассасаларида мутахассисликларнинг хусусиятларидан келиб чиқиб чизмачилик таълимига тегишли билим, кўникма ва малакаларнинг қўлланилиши натижасида назарий ва амалий машғулотларнинг сифатли ўқитилишини таъминлашда қуйидаги жиҳатлар муҳим ўрин эгаллайди:

- профессионал таълим муассасаларида касб-ҳунар эгаллаш мазмун моҳиятига тегишли, касб ва мутахассисликлар хусусиятидан келиб чиққан ҳолда махсус фан хоналарини ташкил этиш;
- ўқув хонасини ўқувчиларнинг ёшига, ўзлаштириш даражаларини инобатга олган ҳолда касб-ҳунар сирларини ўрганишда оддийдан-мураккабга қараб йўналтирилган ўқув методик, кўргазмали воситалар, вертуал стендлар, касбга оид турли макетлар мажмуалари таъминотини яратиш;
- ўқувчилар томонидан ўтказиладиган амалий машғулотлар учун хом-ашё материаллари ва тегишли анжолар билан таъминланган бўлиши;
- ўқувчилар учун касб-ҳунарларни мукамал ўрганиб боришлари учун мустақил равишда шуғулланишларида амалий машғулотлар топшириқлар базасининг мавжуд бўлиши;
- профессионал таълим муассасаларида турдош касблар (бир нечта ўхшаш касблар) бўйича махсус ўқув устахонасини ташкил этиш;
- ўқув устахонаси замонавий ўқув жихозлари, анимацион ўқув материаллари билан таъминланган бўлиши;
- ўқувчиларнинг ўзлари эгаллайдиган касбларига бўлган қизиқиш ва кўникмаларини янада ошириш мақсадида, ўқувчилар томонидан чизмачилик ўқитишнинг амалий ва лаборатория машғулотларида ўтказиладиган тажрибаларда эришилган ютуқлар ҳамда ўқув тажриба участкаларида еттиштирган маҳсулотларни сифатига мос равишда сотишни йўлга қўйиш ва шу орқали таълим муассасасига бюджетдан ташқари маблағлар топишни ривожлантириш ҳамда ўқувчилар меҳнатини рағбатлантириш механизмларини жорий этиш;

- таълим турлари бўйича чизмачилик ўқитишда таълим узлуксизлиги таъминланган ягона таълим дастурини жорий этиш;

- хорижий таълим муассасалари билан педагогик тажриба алмашиш тизимини йўлга қўйишда замонавий компьютер техникалари ва интернет тармоғининг узлуксиз ишлашини таъминлаш;

- ўқувчи ёшларни амалий ва лаборатория машғулотлар даврида техника хавфсизлиги қоидаларига амал қилиш тартиблари бўйича кўргазмали воситалар билан таъминлаш;

- профессионал таълим муассасалари ўқувчилари учун касбга оид ўқув адабиётларидан эркин фойдаланишларини таъминлаш учун электрон кутубхона платформасини жорий этиш.

### **Олий таълим тизимида.**

Олий таълим тизимидаги чизма геометрия, муҳандислик ва компьютер графикаси таълими йўналишига оид етук замонавий кадрлар тайёрлаш давлат дастури доирасида умумий ўрта таълим мактаблари учун халқаро тажрибаларни ҳисобга олган ҳолда малакали мутахассислар тайёрлашда янги турдаги замонавий ўқув хоналари, аудитория базаларини барпо этиш:

- авваллари яратилган базаларни замонавий хорижий тажрибалар асосида жаҳон стандартларига мослаштириш;

- ўқув амалий ва лаборатория хоналарини замонавий мебель, жиҳозлар, асбоб-ускуна ва мосламалар, ўқув-услубий материаллар, лаборатория жиҳозлари, компьютер, интерактив доска, планшет ҳамда мультимедиа техникалари, интернет, видеокузатув тизимлари, масофавий ўқитиш жиҳозлари, 3D принтер билан таъминлаш, уларнинг ўз вақтида янгилаб бориш чораларини кўриш;

- ўқув лаборатория хоналари, махсус фанларни ўқитиш учун технопарклар қуриш, илмий тадқиқот ва лаборатория тажрибаларини ўтказиш объектларни яратиш жиҳозланиш даражасини халқаро стандартларга жавоб берадиган ўқув ускуналари билан таъминлаш;

- масофадан туриб фойдаланиш имконини берувчи электрон кутубхона тизимини кенг жорий этиш, талабаларнинг олий таълим муассасасида ўқишни тамомлаганларидан сўнг кутубхона фонди, ахборот базаларидан фойдаланишини йўлга қўйиш орқали уларнинг касбий малакасини узлуксиз ошириб бориш имкониятларини кенгайтириш;

- олий таълим муассасаларини замонавий дастурий маҳсулотлар билан таъминлаш;

- кутубхона, ўқув лабораториялар инфратузилма объектларига нисбатан ўсиб бораётган эҳтиёжни ўз вақтида таъминлаш ва замон талаблари асосида уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш;

- инновацион кутубхоналарни ташкил этиш, улардаги китоб фондини янги авлод ўқув адабиётлари билан мунтазам бойитиш;

- олий таълим муассасаларини юқори тезликдаги интернет билан узлуксиз таъминлаш, талабаларнинг мустақил таълим олиши учун инфратузилма имкониятларини кенгайтириш;

- талабалар, ўқитувчилар ва ёш тадқиқотчиларнинг электрон таълим ресурслари, замонавий илмий адабиётларнинг электрон каталоглари ва маълумотлар базаларидан бепул фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш.

### **3-§. Чизмачилик таълим жараёнига рақамли технологиялар ва замонавий усулларни жорий этиш орқали инновацион инфратузилмасини шакллантириш**

*11. Чизмачилик таълими жараёнига рақамли технологиялар ва замонавий усулларни жорий этиш бўйича қуйидаги тадбирлар амалга оширилади:*

- замонавий рақамли технологиялар ва таълим технологияларининг мустаҳкам интеграциясини таъминлаш, бу борада педагог кадрларнинг касбий маҳоратини узлуксиз ривожлантириб бориш учун қўшимча шароитлар яратиш;

- таълим жараёнларини рақамли технологиялар асосида индивидуаллаштириш;

- чизмачилик таълими бўйича электрон китобларни мобил ускуналарга юклаб ва кўчириб олиш мақсадида QR-код ёрдамида синфлар кесимида ўқув-методик мажмуалар (дарслик, машқ дафтари, ўқитувчи учун методик қўлланма, дарсликларнинг мультимедиали иловаси) ҳақидаги ахборотларни жойлаштириш тизимини яратиш;

- замонавий ахборот-коммуникация технологиялари асосида масофавий таълим дастурларини ташкил этиш;

- назарий ҳамда амалий машғулотларни онлайн кузатиш ва ўзлаштириш имконини берувчи, шунингдек уларни электрон ахборот сақловчиларга юкловчи платформалардан (Edu Market интерфаол-виртуал таълим дастури) ҳамда таълим жараёнларида инновацион технологиялардан фойдаланиш;

- масофадан туриб фойдаланиш имконини берувчи электрон кутубхона тизимида таълим тизими бўйича ишлаб чиқилган ўқув-методик



мажмуаларни, электрон таълим ресурсларини жойлаштириш ҳамда улардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш;

- таълим жараёнида электрон ресурслар салмоғини босқичма-босқич ошириб бориш, электрон ўқув адабиётлар яратиш, уларни мобил қурилмаларга юклаб олиш мақсадида QR-код ёрдамида электрон ресурслар ҳақидаги ахборотларни жойлаштириш тизимини яратиш;

Ҳар бир педагог ўз касбий фаолиятида компьютер имкониятларидан эркин ва фаол фойдаланишни, дарс жараёнида татбиқ қилишини назарда тутди.

Чизмачилик дарсларида қуйидаги ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишга эътибор берилди:

- янги мавзунини баён этиш ёки мустақамлаш учун слайдлар;
- янги мавзунини баён қилиш учун ҳар бири 5–10 минутли бўлган ўқув фильмлар, видео тасвирлар, мултимедиялар;
- турли машқларни, амалий топшириқларни бажаришга мўлжалланган ўйинли мултимедиялар.

Чизмачилик таълимнинг ўзига хослигидан келиб чиқиб, таълим жараёнида халқаро миқёсда кенг қўлланиладиган замонавий дастурий маҳсулотлардан фойдаланишни ривожлантириш.

## ***12. Чизмачилик таълимнинг инновацион инфратузилмасини шакллантириш бўйича қуйидаги тадбирлар амалга оширилади:***

- ўқувчи-ёшлар томонидан яратилган ижодий лойиҳа ишлари натижаларини тижоратлаштириш ишларини босқичма-босқич жорий этиш;
- пуллик хизматлар кўламини кенгайтириш ва бошқа бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобига ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишидан келиб чиққан ҳолда ўқитиш технологиялари татбиқ этиш марказларини ташкил этиш ҳамда уларни фаолият олиб боришларини таъминлаш;
- стартап лойиҳалари асосида тижоратлаштириш салоҳияти юқори иқтидорли ўқувчи-ёшларнинг илм-фанга кенг жалб этилишини рағбатлантириш;
- иқтидорли ўқувчи-ёшларни аниқлаш, чуқурлаштирилган (вариатив) таълим дастурлари асосида ўқитиш, “Устоз-шогирд” тизими асосида тегишли соҳада юқори натижаларга эришган малакали мутахассисларга бириктириш;
- чизмачилик фани бўйича умумий ўрта таълим тизимида фан олимпиадаларини ташкил этиш ва иқтидорли ўқувчи-ёшлар иштирокини ошириш;

- инновацион инфратузилмани ривожлантириш ҳамда умумий ўрта, бошланғич, ўрта ва ўрта махсус профессионал таълим ҳамда олий таълим тизимлари билан узвийлигини таъминлаш.

#### **4-§. Чизмачилик таълимини ташкил этишда мактабгача, умумий ўрта, профессионал ва олий таълим тизимларининг ўзаро интеграцияси**

##### ***13. Чизмачилик фанларининг умумтаълим фанлари билан ўзаро интеграцияси ва ўқувчиларни касбга йўналтириш ишларини ташкил этиш бўйича қуйидаги тадбирлар амалга оширилади:***

- жадал ривожланаётган асрда инновацион маҳсулотларни яратиш учун янги билимларни ўзлаштириш ва амалда қўллашнинг тобора ортиб бораётган аҳамияти миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ва миллий хавфсизлик стратегияларининг самарадорлигини белгиловчи омиллардан келиб чиққан ҳолда интеграциялаш тизимини ишлаб чиқиш ва йўналишларини белгилаш;

- глобаллашув даврида меҳнат бозори талабларига мос, ностандарт масалаларни ижодкорлик ёндошуви асосида еча оладиган ўқувчиларни тарбиялаш масаласини амалга ошириш учун муайян фикрлаш моделлари зарур, ўқувчи-ёшларда бундай фикрлаш моделларини шакллантиришда интеграциялаш функцияларини белгилаш;

- юқори касбий компетентликка эга, рақобатбардош кадрлар тайёрлаш, таълимда инновациялар, ўқитишнинг замонавий, интерактив ва ижодий услубларини кенг жорий этиш ўқувчиларнинг мотивацион, когнитив, операцион, рефлексив ва ўз-ўзини баҳолаш каби индикаторлар асосида илмий изланишларни амалга ошира оладиган қобилиятларини ривожлантиришга йўналтирилган интеграциялаш тенденцияларини аниқлаш;

- график таълимни ривожлантириш доирасида замонавий жиҳозлар, касблар дунёси билан танишиш, ўқувчи-ёшларни турли ижтимоий соҳаларда мустақил равишда меҳнат қиладиган йўналишини топиш, уларни тўғри касб танлашга йўналтиришда интеграциялаш даражалари ва амалга ошириш шакллари ишлаб чиқиш.

##### ***14. Чизмачилик фанларини ўқитишда фанлараро боғлиқликни ташкил этувчи ўқув модуллари қуйидагиларни ташкил этади:***

- буюм ва нарсаларнинг геометрик ва конструктив тузилишини, уларнинг ишлаб чиқариш ҳамда технологик жараёнларини ўрганишда бошқа аниқ ва табиий фанлар боғлиқлигини ҳисобга олиш ва амалга ошириш;

- соғлом турмуш тарзини шакллантириш;
- график амаллар ва график тасвирлар;

- тасвирланаётган буюм ва нарсаларнинг таркиби, материаллари, уларнинг шартли тасвирларини ўрганиш;
- моделлаштириш ва лойиҳалаш ишларини таълимга татбиқ этиш;
- янги ғоя асосида мавжуд буюм ва конструкцияларни қайта лойиҳалаш орқали унинг график ечимини яратиш;
- лойиҳа ишларини режалаштириш ва амалга ошириш.

**15. Чизмачилик фанларини ўқитишда вариатив ўқув модуллари замонавий ишлаб чиқаришнинг қуйидаги учта йўналиш бўйича амалга оширилади:**

- техник дизайнерлик;
- конструкторлик;
- лойиҳалаш бўйича.

**16. Чизмачилик ижодкорликни қўллаб-қувватлаш бўйича қуйидаги тадбирлар амалга оширилади:**

График таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини ҳаракатлантирувчи куч, Ўзбекистон иқтисодиётининг таянчи ҳисобланади. Иқтисодиёт соҳасидаги глобаллашув, ижтимоий маданий ўзгаришлар трансформацияси кадрлар тайёрлашда сифат кўрсаткичларини яхшилаш, график таълим мақоми ва нуфузини ошириш, ўқувчи-ёшлар ўртасида ижодкорлик муҳитини шакллантириш, “Иқтидорли ўқувчи-ёшларни аниқлаш”, туман, вилоят, республика миқёсида интеллектуал етук ўқувчи-ёшлар селекциясини ташкил этиш тизимини шакллантириш орқали амалга оширилади.

Мазкур тизим:

- таълим муассасаси ахборот муҳитида ўқувчи-ёшлар томонидан бажарилган лойиҳалар, уларнинг натижаларини қайд этиш учун шароит яратиш;
- очиқ тақдимотлар (жумладан, ихтисослашган портал ва ижтимоий тармоқлар), мусобақалар, конкурслар орқали ўқувчи-ёшларга инновацион лойиҳаларни тақдим этиш;
- график таълимни оммалаштириш учун машҳур ихтирочилар, олимлар, конструкторлар, архитекторлар, дизайнерлар иштирокида мунтазам танловлар ўтказиш;
- таълимнинг барча босқичларида фан бўйича Республика олимпиадаларини ташкил этиш;
- мусобақаларни жамоа бўлиб ишлаш тамойиллари, шахслараро муносабатлар ва ўзаро мулоқат этикаси асосларини ўзлаштиришга имкон берувчи шаклларда ташкил этиш;

## **5-§. Кадрларни тайёрлаш ва инсон потенциалидан самарали фойдаланиш**

### ***17. Кадрларни тайёрлаш ва инсон потенциалидан самарали фойдаланиш бўйича қуйидаги тадбирлар амалга оширилади:***

График таълимнинг мазмун ва методларини такомиллаштириш учун муҳандислик графикаси циклидаги фанлар (чизма геометрия, чизмачилик ва компьютер графикаси) бўйича ишлаб чиқиладиган ўқув меъёрий ҳужжатлар ҳамда замонавий таълим технологиялари ва ресурсларини, масофадан ўқитиш технологиясини қўллаш ва фаннинг ривожланиш ҳақидаги маълумотларни таҳлил қилишни инobatга олган ҳолда, малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш қўшимча касбий маълумот беришни талаб қилади.

Бу жараён қуйидаги тадбирларни амалга оширишни назарда тутади:

- график таълим йўналиши бакалаврият даражаси учун таълим дастурларини умумий ўрта, профессионал ва олий таълим тизимлари ДТС ва ўқув дастуридан келиб чиққан ҳолда тубдан янгилаш;

- муҳандислик графикаси доирасида ўқув фанларидан дарс берувчи ўқитувчиларни масофадан ва аралаш усулда интеграциялашган малакасини ошириш ҳамда қайта тайёрлаш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш;

- махсус компетенцияларга ҳамда график таълим соҳасида тажрибага эга касб усталарини тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини йўлга қўйиш;

- график таълим соҳасида тажрибали ўқитувчиларни қўллаб-қувватлаш тизимини яратиш;

- тегишли лавозим, касб ва мутахассислик бўйича квалификация маълумотномаларида кўрсатилган малака талабларини ҳисобга олган ҳолда таълим соҳасида замонавий чизма геометрия, муҳандислик ва компьютер графикасига оид билимлар билан таниш, техник қурилмалар билан ишлаш ва лойиҳа ишлари тажрибасига эга шахсларни касбий қайта тайёрлаш;

- умумий ўрта, профессионал таълим тизимлари битирувчиларининг замонавий ўқитиш технологиялар бўйича юқори салоҳият даражаларини аниқлаш, уни қўллаб-қувватлаш, уларнинг иқтидорини рўёбга чиқариш мақсадида миллий, халқаро ва ҳудудий кўрғазмаларида иштирок этиш учун таълим муассасаларини грант асосида қўллаб-қувватлаш дастурини ишлаб чиқиш;

- “Устоз-шогирд мактаби”ини ташкил этиш ва ривожлантириш.

### **4-боб. Концепцияни амалга оширишдан кутилаётган натижалар**

18. Концепция доирасида белгиланган вазифаларни бажариш орқали куйидаги кўрсаткичларга эришиш назарда тутилади:

**Умумтаълим тизимида.**

Умумий ўрта таълим мактабларида чизмачилик таълимини ривожлантириш концепциясида белгиланган ғояларини таълим жараёнига татбиқ этиш кенг қамровли ва маъсулиятли ишларни амалга оширишни талаб этади. Бунда компетенциявий ёндашувга асосланган ДТС ва ўқув дастурлари асосида янги дарсликларни яратиш ва нашр этиш, ўқитувчилар учун методик қўлланмаларни яратиш ва нашр этиш, ўқувчилар учун чизмачиликка оид қўшимча адабиётларни яратиш ва эркин савдо учун нашр этиш, дарс жараёнида ахборот-коммуникация технологияларидан кенг тарзда фойдаланишни ташкил этиш лозим бўлади.

Концепция ғояларини ҳамда компетенциявий ёндашувга асосланган ДТС ва ўқув дастурларини чизмачилик таълимига жорий этиш босқичма-босқич амалга оширилади.

Концепция ғояларини чизмачилик таълими жараёнига тўлиқ татбиқ этилиши умумий ўрта таълим мактабларида чизмачиликнинг ўқитилишини ривожлантиришга, чизмачилик таълими самарадоригини оширишга, мамлакатимизнинг интеллектуал салоҳиятини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Концепция доирасида белгиланган вазифаларни бажариш орқали куйидаги кўрсаткичларга эришиш назарда тутилади:

- концепция умумий ўрта таълимнинг Давлат таълим стандартида белгиланган талаблар учун асос бўлади;

- концепцияда белгиланган мақсад ва вазифаларни амалиётга кенг жорий этиш ўқувчи-ёшларнинг интеллектуал ривожланишига самарали таъсир этади;

- чизмачилик фанини ўқитиш босқичлари, ўқув фани бўйича таълим мазмуни ва малака талаблари меъёрлари аниқлаштирилади;

- ўқувчилар табиат ва жамиятда кечаётган жараён ва ҳодисалар ҳақида яхлит тасаввурга эга бўлади, табиат ва жамият ривожланиши ҳақидаги билимларни эгаллаши ҳамда улардан замонавий илмий асосларда ҳаётда ва ўз касб фаолиятида фойдаланади;

- инсоннинг бошқа инсонга, жамиятга, атроф муҳитга муносабатини белгиловчи мезонларни билади, ҳаётида уларни қўллаш олади;

- ахборот йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш усулларини эгаллайди ва ҳаётий фаолиятида мустақил қарорлар қабул қила олади;

- СТЕАМ (Science – tabiiy fanlar, Technology – texnologiyalar, Engineering – muhandislik, Art – san’at, Mathematics – matematika)) таълимини жорий этиш орқали ўқувчиларининг фанлар интеграцияси асосида саводхонлик даражасини оширади;

- халқ таълими тизимида ўқувчиларнинг билим даражасини баҳолашда таълим сифатини баҳолаш бўйича халқаро дастурлар ва изланишлар (PISA, TIMSS)да Ўзбекистон Республикасининг доимий иштироки таъминланади;

- чизмачиликни ўқитиш–мактаб битирувчиларининг илмий-техник саводхонлигини, кўникмаларини ва компетенцияларини шакллантириш, шу билан бирга замонавий техник тизимлардан профессионал даражада фойдаланиш, лойиҳалаштиришни ўргатади ва умумий ўрта таълимнинг амалий жиҳатларини кучайтиришга ёрдам беради;

- чизмачиликни ўқитишда АКТ воситаларидан фойдаланиш ўқувчиларда интелектни оширади:

- фан соҳасида эришилаётган ютуқлар, уларнинг амалиётдаги тадбиқи орқали ўқувчиларнинг ўқув-тадқиқотчилик ва ихтирочилик қобилиятлари ривожлантирилади;

- соғлом турмуш тарзи ва унга амал қилиш зарурияти тўғрисидаги илмий дунёқарашга ва ўзини жисмоний чиниктириш учун ўқув ва амалий кўникмаларга эга бўлишади.

#### **мактаб битирувчиларида**

- чизмачиликка оид билимларни тушуниш, қўллаш, назорат қилиш, мукаммалаштириш ва баҳолаш;

- лойиҳалаштириш, изланиш, бошқариш каби универсал фаолиятни ўзлаштириш;

- қарама-қаршилиқлар масаласини ечиш маҳоратини намоён қилиш орқали самарадор ва тўғри технологияларни танлаш;

- ностандарт фикрлаш ва фаолият юритиш кўникмасини шакллантириш орқали янги график билимларга асосланган хизматлар услубларини яратиш ва ҳ.к.;

- таълим жараёнида ҳар хил касбий кўникмаларни эгаллаш орқали мустақил ҳаётда зарур бўладиган бўлажак касбни тўғри танлаш;

- меҳнат қилиш, янги билимларни эгаллаш, мукамалликка эришиш учун ўз устида мустақил ишлаш ва амалий фаолият юритиш;

- тез ўзгарадиган иқтисодий, сиёсий, ижтимоий шароитларга мослашувчан, ноаниқ вазиятларда мустақил таълим олишга тайёр ўқувчи-ёшларни тарбиялаш.

Чизмачилик фанини ўқитишни янги босқичга кўтариш Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида:

- умумий ўрта таълим мактабларида чизмачилик таълим жараёнига ҳозирги замон график тасвирлаш ютуқларидан фойдаланишни татбиқ этиш;

- мактаб ўқувчиларини Халқаро баҳолаш дастурларига тайёргарлигини ошириш.

- чизмачиликка оид билимларни бериш орқали ўқувчиларни касбга йўллаш;

- замонавий ўқитиш технологияларини таълим тизимида татбиқ этиш орқали ўқитиш усулларини такомиллаштириш;

- таълим сифатини ошириш битирувчиларда лойихачилик ва кструкторлик ишларининг турли тармоқларини янги босқичга олиб чиқишга имконият яратади.

### **Профессional таълим тизимида.**

График таълимнинг узлуксиз таълим тизимида ўқитилиши орқали ўқувчи ёшларни замонавий касб сирларини мукамал эгаллаб бориш ҳамда меҳнат бозорида муносиб ўрин эгаллаш имкониятини оширади.

Умумий ўрта таълим тизимида ўқитиладиган чизмачилик таълим тизимининг узвийлиги сифатида профессионал таълим тизимида касбга оид мутахассислик фанларининг таълим дастурларидаги технология элементлари билан уйғунлаштирилган ҳолда узвий равишда ўқитиш имконияти кенгайтирилади.

Профессional таълим тизимида ихтиёрий касб ёки мутахассисликнинг сирларини мукамал ўрганиш орқали ўқувчиларнинг турли касб маҳорати кўрик танловларда, шунингдек, халқаро даражада ўтказиладиган танловларида иштирок этиш имконияти оширилади.

Ўқувчи ёшларнинг касбга бўлган қизиқишлари билан бир қаторда мустақил фикрлаш, ижодкорлик, рационализаторлик (ихтирочилик) қобилиятлари шаклланиб боришга ёрдам беради.

Ёшларни ахборот йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш усуллари орқали ўз касб фаолиятида мустақил қарор қабул қилиш кўникмалари шаклланади.

Профессional таълим тизимида умумий ўрта таълим тизимида ўқитиладиган чизмачилик фанининг ўқув дастурларини узлуксиз таълимнинг кейинги тури ҳисобланган профессионал таълим тизимида касбга оид график таълимнинг элементларини ўқув дастурлари мазмунига сингдириш орқали узвийлиги таъминланади.

### **Олий таълим тизимида.**

Чизма геометрия, муҳандислик ва компьютер графикаси таълим тизимида ўқитишнинг концептуал асослари сифатида шуни қайд этиш жоизки, график таълимни замонавий талаблар асосида ўрганиш:

– дунёқараш билан боғлиқ тизимли билимларга эга бўлиши; гуманитар ва табиий –илмий фанлар асосларини, жорий давлат сиёсатининг долзарб масалаларини билиши, ижтимоий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қила олиши;

– табиат ва жамиятда кечаётган жараён ва ҳодисалар ҳақида яхлит тасаввурга эга бўлиши, табиат ва жамият ривожланиши ҳақидаги билимларни эгаллаши ҳамда улардан замонавий илмий асосларда ҳаётда ва ўз касб фаолиятида фойдалана билиши;

– инсоннинг бошқа инсонга, жамиятга, атроф муҳитга муносабатини белгиловчи ҳуқуқий ва маънавий мезонларни билиши, касб фаолиятида уларни ҳисобга ола билиши;

– ахборот йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш усуллари эгаллаган бўлиши ўз касб фаолиятида мустақил асосланган қарорлар қабул қила олиши;

– электрон ахборот таълим муҳитида таълим жараёнини педагогик лойиҳалаштириш;

– тегишли бакалаврият йўналиши бўйича рақобатбардош умумкасбий тайёргарликка эга бўлиши;

– касбий-педагогик маданияти шаклланган бўлиши;

– янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиши;

– битта хорижий тилни эркин сўзлашув даражасида эгаллаган бўлиши;

– соғлом турмуш тарзи ва унга амал қилиш зарурияти тўғрисида илмий тасаввур ҳамда эътиқодга, ўзини жисмоний чиниқтириш уқув ва кўникмаларига эга бўлиши керак.

– STEAM (Science – табиий фанлар, Technology – технологиялар, Engineering – муҳандислик, Art – санъат, Mathematics – математика) таълимини жорий этиш орқали умумкасбий ва мутахассислик фанлараро интеграциясига қурилган саводхонлик даражасини ошириш;

**Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий фаолияти қуйидагиларни камраб олади:**

– умумий ўрта таълим мактабларида чизмачилик фанларидан, профессионал таълимда касбий фанлар ўрнатилган тартибда дарс бериш;

– умумий ўрта таълим мактаблари, профессионал таълим ташкилотларидан ташқари муассасаларда тарбиячи бўлиб ишлаш;

– таълим тизимида кабинет мудири, лаборант ва унга тенглаштирилган лавозимларда ишлаш;



- профессионал таълим ташкилотларида ўқув устаси бўлиб ишлаш;
- профессионал таълим ўқитувчиси мос таълим йўналишлар бўйича таълимни амалга оширувчи вазирликлар, унинг тармоқ бошқармалари ва муассасаларида методист бўлиб ишлаш;
- педагогика ва техника фанлар йўналишидаги илмий-тадқиқот ташкилотларида кичик илмий ходим бўлиб ишлаш;
- умумий ўрта таълим муассасаларида ва мактабдан ташқари таълим муассасаларида ишлаш;
- маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари ҳамда жойлардаги маънавият ва маърифат марказларида ишлаш.

Чизмачилик таълимини ўқитишни янги босқичга кўтариш Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида:

- олий маълумотли мутахассислар тайёрлашнинг мақсадли параметрларини Инвестиция дастурлари, ҳудудий ва тармоқ дастурлари, васийлик кенгашлари талаблари, жаҳон миқёсидаги ўзгаришларни инобатга олган ҳолда шакллантириш, таълим йўналишлари ва мутахассисликларини оптималлаштириш, бунда STEAM йўналишларини;

- олий таълим муассасаларининг қуввати, илмий салоҳияти ва бошқа асосий кўрсаткичларидан келиб чиққан ҳолда тўлов-контракт асосидаги қабул параметрларини олий таълим муассасаси томонидан мустақил белгилаш тизимини босқичма-босқич жорий этиш;

- давлат гранти асосида кадрлар тайёрлаш параметрларини босқичма-босқич олий таълим муассасалари ўртасида танлов ўтказиш йўли билан тақсимлаш механизмларини жорий этиш;

- илғор хорижий тажрибалар асосида олий таълим муассасаларига юқори малакали педагог кадрларни мақсадли тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини такомиллаштириб бориш;

- олий таълим муассасаларида ўқув-услубий фаолият учун масъул бўлган мутахассислар малакасини мунтазам ошириб бориш;

- таълим йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича хорижий тилларда ўқитиладиган мутахассислик фанлари салмоғини ошириб бориш;

- магистратура талабаларининг юқори савияда илмий изланишлар олиб бориш, педагогик фаолият юритиш, бошқарув, танқидий фикрлаш ва тизимли таҳлил қилиш қобилиятига эга бўлиши учун мазкур таълим босқичи ўқув режа ва дастурларини мунтазам такомиллаштириб бориш;

- олий таълим муассасалари, қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида ўқув-педагогик ва илмий фаолият юритиш учун хорижлик юқори малакали профессор-ўқитувчилар ва мутахассислар, таълим ва илм-фан соҳасида фаолият юритиб, салмоқли ютуқларга эришган, юрт ривожига ҳисса

кўшиш истагида бўлган хориждаги ватандошларни жалб этиш, бу борада уларга академик ва инфратузилмага оид қулайликлар яратиб бериш;

- “Эл-юрт умиди” жамғармаси кўмагида профессор-ўқитувчиларни хорижий мамлакатларда малака ошириш, стажировка ўташ, магистратура ва докторантурада ўқитиш орқали уларнинг касбий маҳоратини ошириб бориш;

- кўп йиллик меҳнат стажига эга бўлган амалиётчи мутахассисларни таълим жараёнига кенг жалб қилиш, профессор-ўқитувчиларнинг тегишли соҳа корхона ва ташкилотларида стажировка ўташини тизимли ташкил этиш;

- ижтимоий соҳа ва иқтисодийнинг барча тармоқлари мутахассислари учун узлуксиз малака ошириш ва қайта тайёрлаш тизимларини жорий этишнинг меърий-ҳуқуқий ва ўқув-методик асосларини такомиллаштириб бориш, бу борада масофавий таълим имкониятларидан кенг фойдаланиш;

- таълим жараёнларини рақамли технологиялар асосида индивидуаллаштириш, масофавий таълим хизматларини ривожлантириш, вебинар, онлайн, «blended learning», «flipped classroom» технологияларини амалиётга кенг жорий этиш;

- замонавий ахборот-коммуникация технологиялари асосида масофавий таълим дастурларини ташкил этиш;

- маъруза ва амалий машғулотлар, семинарларни онлайн кузатиш ва ўзлаштириш имконини берувчи, шунингдек уларни электрон ахборот сақловчиларга юқловчи «E-MINBAR» платформасини амалиётга жорий этиш, таълим жараёнларида «булутли технологиялар»дан фойдаланиш;

- олий таълим муассасаларида таълим, фан, инновация ва илмий тадқиқотлар натижаларини тижоратлаштириш узвий боғлиқлигини назарда тутувчи «Университет 3.0» концепциясини босқичма-босқич жорий этиш;

- хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш, пуллик хизматлар кўламини кенгайтириш ва бошқа бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобига олий таълим муассасалари таркибида услубий марказларни ташкил этиш ҳамда уларни тегишли тармоқ, соҳа ва ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини тадқиқ қилиш ва прогнозлаштириш бўйича фаолият олиб боришларини таъминлаш;

- профессор-ўқитувчилар, илмий изланувчилар, докторантлар, магистратура ва бакалаврият талабаларини ташкил этиладиган технопаркларда илмий ва инновацион фаолият олиб боришларига эришиш;

- бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобига стартап лойиҳалари асосида тижоратлаштириш салоҳияти юқори бўлган янги маҳсулотлар ва техника-технологияларни яратиш орқали олий таълим муассасалари ҳузурида илмий-тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш билан шуғулланувчи «spin-

off» ва «spin-out» корхоналарини ташкил этиш, академик тадбиркорликни ривожлантириш;

- халқаро SciVal ахборот-таҳлил тизими ёрдамида жаҳондаги илмий-тадқиқот натижаларини таҳлил қилиб бориш асосида илм-фаннинг илғор ютуқлари билан уйғун ривожланишини таъминлаш.

ДОЙМХА